



« 22 » август 2015 йил

Урганч ш.

№ 205к

Нусха № \_\_\_\_\_

**Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни  
ривожлантириш, уларнинг ривожланишига тўсқинлик  
қилаётган омилларни бартараф қилиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан 2015 йил 8 июль куни республика ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда давлат мулки объектларини тадбиркорларга бериш тўғрисида ўтказилган селектор йиғилиши тош йиқилари ижросини таъминлаш тўғрисида»ги 02-11-38-сон хатини бажа иш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2015 йил 8 июлда селектор йиғилишида берган топшириқлари раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Хўжалиқова, Машарипов, Рўзметов) тегишли бошқармалар раҳбарлари, шахар ва туманлар ҳокимлари билан биргаликда бир hafta муддатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни ярагиб бериш ва кенг имкониятларни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сон ва 15 майдаги ПФ-4725-сон қарорларида кўзда тутилган имтиёз ва преференцияларнинг мазмун моҳиятини кенг оммага етказиш юзасидан шахар ва туманларда тўғридан-тўғри учрашувлар ҳамда оммавий ахборот воситаларида мулоқотлар ўтказиш бўйича маърузали чора-тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вилоят хокимининг ўринбосарлари (Хужаниёзова, Машарипов, Рўзметов), тегишли бошқармалар, ташкилотлар, шаҳар ва туманлар бошқармалари билан биргаликда:

- вилоятда тадбиркорлар учун яратилган имкониятлар, мавжуд пароятлар, хусусан, ер майдони олиш тартиблари, қурилиш учун рухсат олишдаги талаблар, кадастр ҳужжатларининг расмийлаштирилиши ҳамда фаолиятни амалга ошириш учун зарур рухсатномалар олиш бўйича вилоят телерадиокомпаниясида 2-иловага мувофиқ тадбиркорлар билан очик мулоқотлар ўтказилсин.

Бунда тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратиш, ер майдонини олиш, солиқ ва статистик ҳисоботлари топирилиши тўғрисида уларни тегишли режасидан чиқариш, экспорт қилиш ва ишлаб чиқаришига ёрдам бериш каби мавзулар ёритилсин.

4. Давлат солиқ бошқармаси (Темуров), Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖОДҚКД (Бозоров), статсика бошқармаси (Илчанов) шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини аниқлаб, уларнинг фаолиятини қонунга мувофиқлаштириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

5. Вилоят ҳокимлиги (Хужаниёзова) вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси (Давлетов), Марказий банк вилоят бош бошқармаси (Бобожонов), тижорат банклари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан жорий йилда амалга оширилиши кўзда тутилган лойиҳаларнинг (санаят, қишлоқ ҳўжалиги, хизмат кўрсатиш ва савдо) белгиланган муддатларида ишга туширилишини таъминласин.

6. Вилоят ҳокимлиги (Рўзметов), "Хоразм худудий электр тармоқлари" АЖ (Яхшимўротов), "Шимолгазтаъминот" УК Хоразм вилояти бошқармаси (Бекчанов) шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда ишга туширилган лойиҳаларни тўла қувватларда фаолият кўрсатиши учун ҳар бир корxonани жойига чиққан ҳолда энергия ресурсларига бўлган талабини ўрганиб, зарур шароитлар яратиб бериш, уларни электр энергияси ва табиий газ билан узлуксиз таъминлаш бўйича манзилли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, бажарилишини таъминласин.

7. Марказий банк вилоят бош бошқармаси (Бобожонов), вилоят тижорат банкларига:

- тадбиркорлик субъектлари фаолиятларини кенгайтириш ҳамда маҳсулот турларини кўпайтириш (диверсификация қилиш) мақсадида ўтган йилга нисбатан кредит маблағлари ҳажмини 1,3 баробарга ошириш ва жорий йил якунигача 480,0 млрд.сўм кредит маблағлари ажратиш чораларини кўриш;

Вилоятда тадбиркорлар учун яратилган имкониятлар, мавжуд шароитлар, хусусан, ер майдонини олиш шарти, қурилиш учун рухсат олишдаги талаблар, кадастр ҳужжатларининг расмийлаштирилиши ҳамда фаолиятни амалга ошириш учун зарур рухсатномалар олиш бўйича вилоят телерадиокомпаниясида очик мулоқотлар ўтказиш графиги

№	Очик мулоқот ўтказиш оин	Очик мулоқот ўтказиш санаси
1	Август	27.08.2015 йил
2	Сентябрь	15.09.2015 йил
3	Октябрь	15.10.2015 йил
4	Ноябрь	17.11.2015 йил
5	Декабрь	15.12.2015 йил

Вилоят хокимининг  
2015 йил "22" августдаги  
2015-сон қарорига  
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-469-сон ва 15 майдаги

ПФ-475-сон Фармонларида кўзда тутилган ймтёз ва переференцияларни омавий ахборот воситалари

шунингдек, шаҳар ва туманларда тўғридан-тўғри уйрашувлар ҳамда мулоқотлар ўтказиш орқали кенг омага  
етказиш бўйича манзилли чора-тадбирлар режаси

№	Шаҳар ва туманлар номи	Омавий-ахборот воситалари орқали чиқishi	Шаҳар ва туманларда тўғридан-тўғри уйрашувлар ҳамда мулоқотлар ўтказиш орқали кенг омага етказиш
1	Урганч шаҳар	04.09.2015 й.	08.09.2015 й.
2	Бобот тумани	08.09.2015 й.	10.09.2015 й.
3	Тўрпақ тумани	10.09.2015 й.	11.09.2015 й.
4	Кўшкўш тумани	11.09.2015 й.	14.09.2015 й.
5	Урганч тумани	14.09.2015 й.	16.09.2015 й.
6	Хазорасп тумани	16.09.2015 й.	18.09.2015 й.
7	Хонка тумани	15.09.2015 й.	17.09.2015 й.
8	Хива тумани	17.09.2015 й.	21.09.2015 й.
9	Шовот тумани	22.09.2015 й.	24.09.2015 й.
10	Янгиерик тумани	23.09.2015 й.	25.09.2015 й.
11	Янгибозор тумани	25.09.2015 й.	23.09.2015 й.

- қабул қилинган мақсадли дастурларга киритилган лойиҳаларни молиялаштириш учун тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредит маблағларини ймтёзли фонд ставкаларида ажратиш тавсия этилсин.

8. Вилоят статистика (Ишчанов) ва солиқ (Темуров) бошқармалари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда 2014 йил якунида "ноль" ҳажмда ҳисобот тақдим қилган кичик бизнес субъектлари билан алоҳида учрашиб, келгусида уларнинг фаолиятларини давом қилдириш ва истиқболсизларини тугатиш бўйича алоҳида тармоқ жадалларини ишлаб чиқиш, бажарилишини таъминласинлар.

9. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Хўжаниёзова, Машарипов, Рўзметов), тегишли бошқармалар раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари билан биргаликда:

- икки кун муддатда шаҳар ва туманларда бўш ер майдонларини (электр ҳамда газ таъминотига эга бўлган аҳоли гавжум жойлардаги фойдаланилмасдан турган хизмат кўрсатиш объектларини) хатловдан ўтказиб, замонавий ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаларини ташкил қилиш учун оммавий-ахборот воситаларида эълон қилган ҳолда қисқа муддатларда ишга тушириш шарти билан тадбиркорларга ажратиш чораларини кўрсинлар;

- уч кун муддатда Ишчи гуруҳлаш тузиб, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг қарорлари билан ажратилган ер майдонлари, қурилиши тугалланмаган объектлар ҳамда фаолият кўр атмаётган шохобчалар ҳолатини ўрганиш, фойдаланмасдан турган ер майдонларини белгиланган тартибда шаҳар ва туманлар ҳокимликлари захираси а қайтариш бўйича таклифлар ишлаб чиқсинлар.

10. Вилоят ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси (Абдиримов), иқтисодиёт бош бошқармаси (Давлетов), савдо-саноат палатаси (Ахмедов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари;

- 10 кун муддатда маҳсулот экспорт қилиш ймқониёти мавжуд бўлган корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида экспортёр корхоналар фаолият-ни чуқур таҳлил қилиб, тайёр маҳсулотлар экспортини ривожлантириш ҳа да қўшимча ймтёзлар яратиш бўйича таклифлар киритсин;

- шаҳар ва туманларда экспортбоп саноат маҳсулотлари ишлаб чиқару-чи янги корхоналарни ташкил қилиш юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича маълумотларни ҳар ой якуни билан вилоят ҳокимлигига киритсинлар.

11. Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари вилоят ҳудудий бошқармаси (Хайитбоев), ТАТУ Урганч филиали (Исмоилов), Урганч давлат университети (Абдуллаев)ларга:

- ўн кун муддатда ахборот коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастурини амалга оширишни жадаллаштириш, вилоятдаги бошқармалар, ташкилотлар ва корхоналарнинг интерактив хизматларини интернетда он-лайн тизими орқали тақдим этиш бўйича тақлифларни киритсинлар;

- икки ҳафта муддатда мутахассисларни жалб қилинган ҳолда вилоятнинг экспорт салоҳияти ҳамда ишлаб чиқаришдаги навжуд хом-ашё базаси тўғрисида батафсил маълумот берувчи иқтисодийнинг барча соҳаларини қамраб олган интернет сайтини яратсинлар;

- вилоятда дастурий таъминот (*тизимли ва амалий компьютер дастурлари, телефон дастурлари*) экспорти бўйича янги лойиҳалар яратиш устида ишлаш, оммавий ахборот воситаларида эълон қилган ҳолда программалаштириш саводхонлигини ошириш бўйича юқори даражадаги ўқув-курсларини ташкил қилиш юзасидан аниқ манзилли тақлифларни киритсинлар.

12. Мехнат ва ҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси (Қурбонов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда:

- вилоятдаги ишсизлик даражаси (*мавсумий ишсизлик, таркибий ишсизлик, фрикцион ишсизлик*) бўйича ҳар бир шаҳар ва туманлардаги маҳаллалар кесимида чуқур таҳлил қилиб, ҳар чорак якуни билан вилоят ҳокимлигида муҳокама қилсинлар;

- корхона ва ташкилотлардаги бўш (*вакани*) иш ўринларини тезкор муддатларда банд қилинишини таъминлаш бўйича ишсизларни шаҳар ва туманлардаги бандликка қўмақлашиш марказларига мурожаат қилишлари ҳамда мехнат ярмаркаларида фаол иштирок этишлари бўйича оммавий ахборот воситалари ҳамда ҳар бир маҳаллада ўтказиладиган йиғилишлар орқали тушинтириш ишларини амалга оширсинлар.

13. Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси (Ахмедов), иқтисодиёт бош бошқармаси (Давлетов), мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси (Қурбонов), солиқ (Темуров), адлия (Собиров) ва статистика (Ишчанов) бошқармаларига:

- уч кун муддатда Намунали тадбиркорларни аниқлаш талабларини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун вилоят ҳокимлигига киритсинлар;

Ушбу талаблар асосида шаҳар ва туманлар микёсида уларнинг рўйхати шакллантирилиб, ҳокимлик, солиқ, банк, молия, кадастр, қурилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари биноларига илиб қўйилсин.

14. Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси (Рахматуллаев) шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, тегишли бошқармалар ва ташкилотлар билан биргаликда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-2340-сон қарорига асосан:

- “Урганч экскаватор” акциядорлик жамиятининг белгиланган тартибда баҳолаш ишларини 15 кун муддатда якунлаш ва устав фондидаги давлатга ва хўжалик бошқарув органларига тегишли улушларни стратегик хорижий инвесторларга соғлиқли бўйича тегишли чораларни кўриш;

- 1 та акция, эрлик жамиятларининг қўшимча чиқарилган акцияларини давлат рўйхатидан ўтказиш ишларини якунлаш ва савдога чиқариш чораларини кўриш;

- 6 та оммавий савдоларга чиқарилган объектларни сотиш чораларини кўриш топширилсин.

15. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Хўжалиқова), тегишли бошқармалар ва ташкилотлар раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда вилоятда 105 та янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш хисобига камида 30130 та янги иш ўринларни яратиш бўйича манзилли ҳудудий Дастурини ишлаб чиқиб, бажарилишини таъминласин.

16. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Хўжалиқова, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Р.Рўзметов ва ў.Машарипов зиммаларига таъминласин.



Вилоят ҳокими

П.Бобожонов